

Конституциявий назорат ва конституциявий одил судлов

1. Ўзбекистон Республикасида конституциявий назорат қайси орган томонидан амалга оширилади?

- А) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
- Б) Ўзбекистон Республикаси Конституциявий назорат қўмитаси
- В) Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди
- Г) Ўзбекистон Республикаси Олий суди
- Д) Б ва В жавоблар тўғри

2. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг мақоми тўғри кўрсатилган қаторни топинг.

- А) 10 йил муддат давомида фаолият юритувчи вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият ҳужжатларининг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисидаги ишларни кўради
- Б) доимий фаолият юритувчи суд ҳокимияти органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимият ҳужжатларининг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисидаги ишларни кўради
- В) умрбод муддатга сайланган судьялардан таркиб топган бўлиб, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисидаги ишларни кўради
- Г) доимий фаолият юритувчи ижро ҳокимияти органи бўлиб, қонун чиқарувчи ва суд ҳокимияти ҳужжатларининг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисидаги ишларни кўради
- Д) доимий фаолият юритувчи суд ҳокимияти органи бўлиб, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият ҳужжатларининг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисидаги ишларни кўради

3. Конституциявий суднинг ваколатлари нотўғри кўрсатилган қаторни топинг ?

- А) Ўзбекистон Республикаси қонунларининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлигини аниқлайди
- Б) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлигини аниқлайди
- В) Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлигини аниқлайди
- Г) ҳуқуқат, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси давлатлараро шартномавий ва бошқа мажбуриятларининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлигини аниқлайди
- Д) ўз ваколатларини амалга ошираётганда бошқа судлар ёки ўзга органларнинг ваколатига қирадиган барча ҳолларда ҳақиқий ҳолатларни аниқлайди ва текширади

4. Конституциявий суд судьяларининг сайланиш тартиби тўғри кўрсатилган қаторни белгиланг.

- А) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимида биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тавсия этган мутахассислар орасидан, Қорақалпоғистон Республикасининг вакилини қўшган ҳолда сайланади
- Б) Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тақдимида биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан тавсия этган мутахассислар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан, Қорақалпоғистон Республикасининг вакилини қўшган ҳолда сайланади
- В) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тақдимида биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти тавсия этган мутахассислар орасидан Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши томонидан сайланади

Г) Қорақалпоғистон Республикасининг тақдимиға биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тавсия этган мутахассислар орасидан сайланади

Д) Тўғри жавоб йўқ

5. Конституциявий назоратнинг умумий судлар тизимида миллий суд тизимидаги юқори инстанция томонидан амалга оширилиши конституциявий назоратнинг қайси моделига хос ҳисобланади?

А) Америка модели

Б) Европа модели

В) аралаш модел

Г) А ва В жавоблар тўғри

Д) тўғри жавоб йўқ

6. Ўзбекистонда конституциявий назорат қайси моделга асосланади?

А) Америка модели

Б) Европа модели

В) аралаш модел

Г) А ва В жавоблар тўғри

Д) тўғри жавоб йўқ

7. Қайси давлатларнинг қонунчилик амалиёти конституциявий назоратнинг америка моделига хос?

А) Ўзбекистон, Канада, Дания

Б) АҚШ, Канада, Япония

В) Италия, Франция, Германия

Г) Норвегия, Ҳиндистон, Ўзбекистон

Д) Тўғри жавоб йўқ

8. Фуқаро Конституцияда белгиланган ҳуқуқи норматив-ҳуқуқий ҳужжат асосида бузилган тақдирда ушбу ҳужжатнинг конституциявийлигини кўриб чиқишни сўраб қайси органга мурожаат этиши мумкин?

А) Конституциявий судга

Б) Олий судга

В) Конституциявий назорат қўмитасига

Г) Президентга

Д) Инсон ҳуқуқлари бўйича Омбудсманга

9. Конституциявий судлов объектлари тўғри кўрсатилган қаторни топинг?

А) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

Б) Конституция, халқаро шартномалар

В) суд қарорлари

Г) партия ва жамоат бирлашмаларининг қарорлари

Д) барча жавоблар тўғри

10. Ҳуқуқдаги бўшлиқлар конституциявий назорат объекти бўлиши мумкинми?

А) бўлиши мумкин

Б) бўлиши мумкин эмас

В) жавоб бера олмайман

Г) тўғри жавоб йўқ

11. Ўзбекистонда Конституциявий судлов субъектлари нотўғри кўрсатилган қаторни топинг?

А) Конституциявий назорат қўмитаси

Б) Конституциявий суд

В) томонлар, уларнинг вакиллари, экспертлар, таржимон, гувоҳ

Г) Парламент, ижро ҳокимияти органлари

Д) тўғри жавоб йўк

12. Конституциявий суд иш юритуви принциплари қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

А) коллегиялик, ошқоралик, тарафлар тортишуви

Б) қонунийлик, мустақиллик, бевоситалик

В) узлуксизлик, оғзаки иш юритув

Г) ёзма иш юритув, қонунийлик, мустақиллик

Д) барча жавоблар тўғри

Savollar fan dasturi asosida tuzilganligiga va stilistik, orfografik jihatidan xato emasligiga kafolat beraman.

Huquqiy fanlar kafedrasini
mudiri v.v.b

Tuzuvchi o'qituvchi:



Sh.Saidov

D.Choriyeva